



Наср I ибн Асад Сомоний
(тахм. 848-893)
(865-892)

Ўзбек давлатчилигидаги сомонийлар сулоласининг бошлиги, Самарканд ҳокими (865-892). Сомонийлар давлати ҳукмдори. Наср ибн Ахмад Норин дарёси бўйидаги Хайлам қишлоғида тугилган. Отаси Ахмад вафотидан (865-йил) кейин у Самаркандни марказга айлантиради. Бухоро воҳаси, Нахшаб (Кашкадарё), Чагонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннахрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўради. Тоҳирийларнинг давлатининг барҳам топиши билан вазият тубдан ўзгариб, истиклол учун қулай шароит пайдо бўлади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган Бухоро аҳли ҳатто саффорийларга тобе бўлишни хохламайди. Шаҳар зодагонлари сомонийларга мурожаат қилиб, Самаркандга Наср ҳузурига элчилар юборадилар, ундан Бухорони ўз қўл остига олишни ва сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳоким қилиб юборишни сўрайдилар. Наср бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, укаси Исмоилни (874) Бухорога ноиб қилиб юборади. Шундан сўнг Наср ибн Ахмад ўзини бутун Мовароуннахр бошлиги деб билган (875) ва қумуш дирҳамлар зарб қилдирган (илгари дирҳам тангалар зарб қилишга фақат тоҳирийларнинг ҳуқуқи бор эди). Исмоил бўлса, акасига итоат этмай қўйган ва улар ўртасида 888-йил тўқнашув бўлиб Наср ибн Ахмад қўшинлари бутунлай тор-мор қелтирилган.